



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: xalksuzi@uzpak.uz • 2004 йил 27 май № 111 (3386) Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб- қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг, республика хотин-қизлар жамоат ташкилотларининг аёллар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг мамлакатимиз сиёсий-ижтимоий, социал-иқтисодий ва маданий ҳаётида тўлақонли иштирок этишини таъминлаш, хотин-қизлар ҳамда ёшларнинг маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш борасида олиб бораётган ишларининг самарадорлигини ошириш мақсадида:

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари, бошқа давлат тузилмалари хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаолиятини ошириш, уларнинг оилада, жамият ва давлат қурилиши вазибаларини ҳал этишдаги ўрнини ошириш бўйича олиб бораётган ишларни танқидий баҳолаб, уларни мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ўзгаришлар ва янгиланишлар ислохотларнинг мавқеи даражасига кўтариш чора-тадбирларини жорий этиш.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимларининг ўринбосарлари — Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманларнинг тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг вазибаларини тақсимлаш бўйича улар зиммасига юклатиладиган вазифаларни аниқ равишда қайта кўриб чиқилиши ва фаолиятига кенг йўл очиб берилиши.

2. Қўйидагилар Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва уларнинг жойлардаги бўлиналари фаолиятининг энг муҳим вазибалари ва йўналишлари деб ҳисоблансин:

хотин-қизларни ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, уларнинг социал, ижтимоий-сиёсий фаолиятини давлат қурилиши соҳасидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган умумий сиёсатни амалга ошириш;

хотин-қизларнинг соғлигини сақлаш, соғлом оилани шакллантириш, аёллар ва оила спортини ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш бўйича чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этиш, айниқса қишлоқ жойларида уларнинг меҳнат ва ўқиш шароитларини яхшилаш, аёлларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этишга қаратилган дастурларни тайёрлаш ва амалга ошириш;

жойларда (оила, маҳаллалар, меҳнат жамоалари, таълим муассасаларида) миллий-диний анъаналарни тушунтириш ва уларга риоя қилиш, хотин-қизларнинг конституциявий ҳуқуқларини рўйбга чиқариш ва ҳимоя қилиш, бузғунчи қўлларнинг хотин-қизлар остига таъсир ўтказиш, уларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этиш йўлидаги уришларига қарши қаратилган ишларни самарали ташкил қилиш;

хотин-қизларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини мувофиқ-

лаштириш ва улар билан самарали ҳамкорликни таъминлаш, бу ташкилотларнинг саъй-ҳаракатларини жамиятни модернизациялаш ва демократик янгилаш жараёнларида, Ўзбекистонда жамият ва давлат қурилишида хотин-қизларнинг ролини кучайтириш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш борасидаги ишларга йўналтириш.

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасига, ўз олдига турган вазибаларни ҳисобга олган ҳолда, республика хотин-қизларнинг жамоат ташкилоти сифатида, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг янги таҳрирдаги Низомини ташкил қилиш ва белгиланган тартибда тасдиқлаш тавсия этилсин.

3. Қўйидагилар:

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитасининг ишчи аппарати бошқарув ходимларининг умумий чекланган сони 18 кишидан иборат бўлган тузилмаси;


Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар хотин-қизлар қўмиталарининг, шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисининг, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари — тегишли хотин-қизлар қўмиталари раисларининг ишчи аппаратлари тузилмалари маъқуллансин.

4. Республика "Маҳалла" ҳайрия жамғармаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитасининг 2004 йил 1 июлдан бошлаб фуқаролар йиғинлари кенгашлари, аппаратининг тузилмасига тарбиячи-педагог лавозими ўрнига:

худудда камда 500 оила яшайдиган маҳаллаларда;

таркибда маҳаллалар ташкил қилинмаган посёлка, қишлоқ ва овулларда.

(Давоми 2-бетда).



«Кварц» тамғаси билан

Мамлакатимизнинг турли гунаҳари, хусусан, пойтахтимиздаги мухташам биналарга ўзгача қўрқу тароват баҳи этиб турган ранго-ранг ойналар Қувасойдаги «Кварц» акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётгани ҳамма ҳам билмас керак. Зеро, республикамизда ягона бўлган мажмура қорхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар юқори сифатлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда. Шунингдек, «Кварц» маҳсулотлари қўшни давлатларга ҳам экспорт қилинаётти.

СУРАТДА: ойна пшириш цехи оператори Анвар Тенябовъ иш устида.

Тоҳиржон ҲАМРОҚУЛОВ олган сурат.

«МАРКАЗИЙ ОСИЁ ҲАМКОРЛИГИ» ТАШКИЛОТИ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИНИНГ МАЖЛИСИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов «Марказий Осие ҳамкорлиги» ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг 2004 йил 28 май куни Қозоғистон Республикасининг пойтахти Остона шаҳрида бўладиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

Жиддий сабоқ

Биз ҳикоя қилмоқчи бўлган «Дўстлик» ширкат ҳўжалиги Тошкент вилоятининг Чиноз тумани, «Ўзбекистон» ширкат ҳўжалиги эса Қашқадарё воҳасининг Шахрисабз тумани тасарруфида. Қўриқиб турибдики, ораликдаги масофа салкам 300 чакиримни ташкил этади. Табиийки, иккала жамоанинг иқлим ва тупроқ шароити бир-бирдан фарқ қилади:

«Ўзбекистон» тоғолди худудидаги ҳўжалик ҳисобланса, «Дўстлик», Сирдарё соҳилида жойлашган. Ер майдонларига ҳам сув икки дарбдан оқиб келади.

Аммо ана шу ҳўжаликларнинг битта ўхшаш томони бор: у ҳам бўлса, одамлари бағрикенг, содда, меҳнаткаш, муҳими, лафзли. Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Меҳнат билан яшайдиган, меҳнат ҳисобидан ўз оиласининг ҳаётини тейратадиган, ўз келажагини кўрадиган одамларга нима керак?

Уларнинг ишини ташкил қилиб берсанг, улар ўз меҳнатидан мамнун ва рози бўлса, ўз меҳнатига қараб ҳақини олса, эртанги кунини аниқ ва равшан тасаввур қилса, бундай инсонлар ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш учун ҳар қанча фидоийлик кўрсатиши мумкин.

Лекин бундай меҳнатчиларимизнинг бошини қовуштириш, кўнглини, руҳини кўтариш, уларнинг иштиқболини кўрсатиш учун ишни ташкил қилдиган, уларни сафарбарликка чорлайдиган етакчи керак, ташаббус керак».

Бу жиҳатдан ҳам «Ўзбекистон»ликлару «Дўстлик»ликларнинг омади чопган, деса бўлади: бошқарув раислари Азамат Боймуродов

ва Абдусамад Ақромов айна шу тоифадаги етакчилар сирасига киради.

БИРИНЧИ ДАЛИЛ

«Дўстлик» ширкат ҳўжалиги пахтакорлари ўтган йили 310 гектар ерда деҳқончилик қилдилар. Бўлғуси ҳосилга эса улар қўздан бошлаб тадорик кўрдилар. Жумладан, жами майдон 35 сантиметр чуқурликда шудгорланиб, шудгорлашдан аввал гектар ҳисобига 150 килограмм аммофос солинди. Кейин 150 гектар ерда пушта олиб

қўйилди.

Чигит экишга 3 апрелда киришилиб, бу юмуш бир ҳафтада тугалланди. Экиш билан бир вақтда ҳар гектар ерга 100 килограмм қарбамид ва 50 килограмм аммофос аралашмаси ишлатилди. Аммо узлуксиз ёққан ёмғир оқибатида 22 апрелдан уруғни ерга қайта қадашга тўғри келди. Бу, албатта, чигитнинг бироз кечроқ ўнди чикишига сабаб бўлди.

Шу боис вегетация даврида нисолларни оби-тобида парваришлашга алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, май-август ойларида ғўза 9 марта культивация қилинди, 2 қарра озиклантирилиб, 4 марта суғорилди.

— Еримиз гил тупроқдан иборат, — дейди тажрибали сувчи Абдухамид Мирзамуродов — ўша кунларни эслаб, — Шунини ҳисобга олиб, шогирдларим Равшан Хасанов, Эргаш Очиллов ва Исмоил Меҳриалиев билан бақамти ғўза қатор ораларига ҳар бир суғориш жараёнида шарбат оқиздик. Ҳўзим бу юмушга 3000 тоннадан кўпроқ чирган гўнг кетди-ёв...

(Давоми 2-бетда).

ҲУЖЖАТ ИМЗОЛАНДИ

Ҳужжатни Ўзбекистон ташқи ишлари вазирлиги Содиқ Сафоев ва Италиянинг мамлакатимиздаги Факултетида ва мухтор элчиси Анжелло Персиани имзолади.

Президент Ислам Каримовнинг 2000 йил ноябрда Италияга расмий ташрифи чоғида имзоланган мажмура конвенция Ўзбекистон

Олий Мажлисида ва Италия парламентида ратификация қилинди. Ҳужжат ратификация ёрликлари алмашилган расман қайд қилингандан сўнг кучга кириди.

Конвенция бир мамлакат юридик ва жисмоний шахсларнинг бошқа мамлакатда олаётган даромадларига солиқ солиш тарти-

бини белгилайди. Бу ҳужжатда мамлакатларимиз ўртасида солиқ соҳасидаги ҳамда миллий қонунчиликдаги ўзгаришлар ҳақида аҳборот алмашилш ҳам қўзда тутилган.

Элчи А.Персиани журналистларга берган интервьюсида, конвенциянинг кучга кириши мамла-

катларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Конвенция Ўзбекистон — Италия савдо-иқтисодий муносабатларини фаоллаштириш учун янги имкониятлар яратди ҳамда икки мамлакат ишбилармон доираларининг ўзаро алоқаларини янада кенгайтиришга йўл очади, — деди у.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Эркин демократик сайловлар йўлидан

Мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишни қўлаб амалга оширилаётган туб ислохотларни чуқурлаштириш изчил давом этимоқда. Иқтисодиётдаги каби сиёсий соҳадаги ислохотларнинг натижалари ҳам кундалик ҳаётимизда тобора яққол намойён бўлмоқда.

Жорий йил охирида Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлади. 2002 йил 27 январда бўлиб ўтган референдум янқлари асосида Конституциямизга киритилган ўзгаришларга биноан, қонун чиқарувчи орган — Олий Мажлис икки палатали парламент тизимига ўтади.

Албатта, демократия талабларига кўра, икки палатали парламент сайловлар асосида шакллантирилади. Сайловларни ташкил этиш ва демократик асосда уюшқоқлик билан ўтказиш вазибалари Марказий сайлов комиссияси, сиёсий партиялар, давлат ҳокимияти идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва барча фуқароларимиз зиммасига катта масъулият оқлайди.

Демократик ҳуқуқий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуришни сайловларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Зеро, Юртбошимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, «Сайловлар жараёнида ҳар қайси давлат, ҳар қайси жамиятда хилма-хил фикрлар, одамларнинг хоҳиш-иродаси, орзу-умидлари, ижтимоий кайфиятлар яққол намойён бўлади».

Фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш ҳуқуқи

БМТ томонидан эллик беш йил муқаддам қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида ва мамлакатимиз Ассоти, Қонунда мустаҳкамланган энг муҳим ҳуқуқлардан.

2002 йил 27 январда ўтказилган умумхалқ референдумида икки палатали парламент тизимига ўтиш ўзисидан қарор қабул қилингандан сўнг ўтган давр мобайнида бўлажак сайловларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асосларини яратувчи қонунлар қабул қилинди. Булар: «Референдум янқлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида» ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида» ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида» ги конституциявий қонунлар бўлиб, давлат бошқаруви, қонунчилик ва ижро ҳокимияти ўртасидаги муносабатларнинг ўзгарган жиҳатларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйди ҳамда Ассоти Қонунимизга ўзгаришлар киритишга асос бўлиб хизмат қилди. «Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ўзгаришлар ва қўшим-

чалар киритиш тўғрисида» ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида» ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида» ги янқи қонунлар нормаларида белгиланган демократик тамойиллар эса халқроқ ҳуқуқ мезўрларига жавоб берадиган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўтказиш муддати қабул қилиш, «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида» ги Қонунга тегишли ўзгаришлар киритиш учун асос бўлди.

Шунини таъкидлаш лозимки, бўлажак парламентнинг юқори палатаси Сенат ҳисобланиб, унинг аъзолари жойлардаги вазиятдан яқши хабардор, уларни сайлаган маҳаллий Кенгашлар билан ўзвий алоқа ўрнатадиган, кўпроқ давлат ва минтақалар манфаатларини ҳамда халқимиз орзу-умидларини, интилишларини ифода этадиган халқ вакиллари билан иборат бўлади. Қўйи палата, яъни, Қонунчилик палатаси эса доимий, профессионал асосда иш юритувчи депутатлар-

дан ташкил топади.

Хўш, сайлов қонунчилигимизнинг янқи жиҳатлари нималардан иборат?

Энг аввало, демократик тамойилларга мосс сайловларнинг ўтказилишида уларнинг муддати оғдинлик киритилиши энг муҳим масалалардан биридир. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида сайловларнинг ўтказиш муддати қатъий белгилаб қўйилган. Яъни, Президент сайлови, парламент вакиллик органлари бўладиган сайловларнинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи ақшанбасида ўтказилади.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги Қонуннинг 19-моддасига биноан, Марказий сайлов комиссияси томонидан сайлов кампаниясининг бошланғичлиги амалдаги депутатларнинг ваколат муддати тугашидан камда уч ой оғдин эълон қилиниши сиёсий партияларнинг, сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг, кенг жамоатчилик, ҳокимият органла-

рининг сайловга яқши тайёргарлик кўришлари учун имкон беради. Шундай қилиб, бу йил Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар 26 декабрда бўлиб ўтади.

Илғари Олий Мажлига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига депутатликка номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига ҳокимият вакиллик органлари ҳам эга бўлган бўлса, янқи таҳрирдаги Қонунга кўра, ҳокимият вакиллик органлари парламент ва маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодлар кўрсатмайди. Қонунчилик палатасига депутатликка номзодларни сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатсалар, маҳаллий Кенгашларга депутатликка номзодларни сиёсий партияларнинг тегишли органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва сайловчилар ташаббускор гуруҳлари кўрсатадилар.

Бу конституциявий норма кўппартиявийлик шароитида муқобиллик асосида ўтказиладиган сайловлардаги рақобатни янада кучайтиради, жамиятимиздаги


сиёсий партиялар ролини оширади. Шунингдек, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг сайловдаги фаолиятини юксалтиришга, халқимизнинг сиёсий онги ва ҳуқуқий маданияти ўсишига хизмат қилади.

Ҳар бир сиёсий партия ҳамда сайловчиларнинг ташаббускор гуруҳи аҳоли манфаатларини ифода этиб, ўз сайловолди дастурида мамлакат тараққиёти билан боғлиқ масалаларни акс эттиради. Турли сиёсий партиялар ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг дастурлари сайловчиларга танишиш ва танлаш имконини яратиши шубҳасиз. Бу демократик ва эркин сайлов ҳуқуқи тамойилларига, уларнинг мақсад-вазифаларига тўлиқ жавоб беради.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида» ги Қонуннинг 20-моддасида белгиланганидек, сиёсий партия сайлов кампанияси бошланғичлиги эълон қилинган кундан камда олти ой оғдин Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган, сайловда иштирок этишини қўллаб-қувватловчи камда эллик минг сайловчининг имзосини тўплаган тақдирдагина депутатликка номзодлар кўрсатиши мумкин.

Маъмурий-худудий тузилмалардан бири (Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳри) да сиёсий партия эллик минг сайловчининг кўпи билан саккиз фоизи имзосини тўплаши лозим.

(Давоми 2-бетда).



Олий Мажлисида

Агар эл қўлласса...

Кеча Олий Мажлисининг Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси ташаббуси билан «Меҳрибонлик уйлари битирувчиларининг мустақил ҳаётда ўз ўрнини топишида жамоатчиликнинг роли» мавзусида анжуман бўлиб ўтди.

Таъкидлаш керакки, мустақиллик йилларида республика мизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос тамойили вуҷудга келди. Хусусан, кам таъминланган кўп болали оилаларга, ногиронларга, боқувчисини йўқотганлар ҳамда меҳрибонлик уйлари ва махсус мактаб интернатларда таълим олаётганларга алоҳида эътибор

(Давоми 2-бетда).

Душанба куни Ялта яқинидаги Ливадий саройида Россия, Украина, Беларусь ва Қозғистон давлатлари раҳбарлари саммити бўлиб ўтганидан хабарингиз бор. Учрашувда битта — Ягона Иқтисодий Худуд барпо этиш масаласи муҳокама қилинди. Маълумки, ЯИХ барпо этиш ҳақидаги шартнома 2003 йилнинг 19 сентябрь куни Ялтада бўлиб ўтган учрашувда президентлар В. Путин, Л. Кучма, А. Лукашенко, Н. Назарбоев томонидан имзоланган эди. 22 бўлим ва 116 банддан иборат декларация ҳолатидаги бу ҳужжат қайтадан кўриб чиқиши тақозо этмоқда. Уни аниқ шартномалар билан тўдириш лозим. Президентлар бу сафар шу масалани муҳокама қилишга йўналишган эди. Аммо саммитда бирор-бир натижага эришилмади.

Режа режалигича қолди

сини қабул қилиш лозим. Леонид Кучма эса дастлаб эркин савдо ҳудуди ташкил этиш учун керак бўлган 13 та шартнома имзоланиши тарафдори. Аслида, Украинанинг ЯИХга киришдан мақсади ҳам шу. Агар Л.Кучма айтган ҳужжатлар имзоланса, унинг мамлакатига Россиядан олаётган нефть ва газ учун тўлаётган бир миллиард долларлик қўшимча қиймат солиқдан озод бўлади.

Нурсултон Назарбоевнинг қайд этишича, энг аввал ЯИХ доирасида божхона иттифоқи тузиш зарур. Бу

Россия матбуоти хабарларига қараганда, президентлар келгуси саммитда кўриб чиқиши керак бўлган ҳужжатлар сони ҳақида ҳам турлича рақамларни айтиб журналистларни лол қолдиришган. В. Путиннинг гапига ишонадиган бўлсак, россиялик экспертлар 61 лойиҳа орасидан энг муҳимларини ажратиб олиб, кейинги саммитга тайёрлайди. Л. Кучма журналистларга келгуси учрашувда 80 га яқин ҳалқаро ҳуқуқий ҳужжатлар кўриб чиқишини айтган. Н. Назарбоев эса Остонадаги учрашувда тўрт мам-

лакат бош вазирлари ўринбосарларига 110 та ҳужжатни тайёрлаш топширилганини маълум қилди. Албатта, ҳар бир мамлакатнинг ЯИХга киришдан ўз мақсади бор. Масалан, Украина, юқорида таъкидлаганимиздек, Россиядан арзонроқ газ ва нефть олиш билан бирга, темир йўл тарифлари қисқаришидан умид қилмоқда. Қозғистон ҳам барча транспорт тарифлари қисқаришидан манфаатдор. Россия инвестициялар учун миллий режим ўрнатилишини истаётган. Беларусь арзонроқ энер-

гия ресурслари олмоқчи. Собиқ СССР ҳудудида шу пайтгача саккизта сиёсий ва иқтисодий тузилмалар барпо этишга ҳаракатлар бўлди. Бунга Россия ва Беларусь иттифоқини, 1995 йилда ташкил этилган Божхона иттифоқи ва Эркин савдо ҳудудини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Аммо бу тузилмаларнинг биронтаси ишламади. Ҳўш, ЯИХ тузиш гоёси амалга ошадими? Буни яқин келажақ кўрсатади. Тўрт мамлакат раҳбарлари шу йилнинг 15 сентябрь куни Остонада учрашишга келишиб олдилар. У кунгача эса бор-йўғи тўрт ой вақт қолди.

Коалицион кучларни ким бошқаради?

БМТ Хавфсизлик Кенгашида Ироқ бўйича АҚШ тақлиф этаётган янги резолюция муҳокаmaları давом этар экан, ҳаммани ироқликлар қўлига ўтгандан сўнг мамлакатдаги коалицион кучларга ким бошчилик қилади? Худди шу масалада Лондонда ўтказилган матбуот анжуманида Буюк Британия Бош вазир Тони Блэр 30 июндан сўнг маҳаллий маъмурият коалицион кучлар устидан сиёсий назоратни ўз қўлларига олиши керак, деган фикр билдирди. Бундан ташқари, Блэр мамлакатда фаолият юритаётган тинчликпарвар кучлар томонидан ўтказилган бундан кейинги ҳарбий операциялар Ироқ ҳукумати розилиги билан амалга оширилишини ҳам алоҳида таъкидлади.

Аммо АҚШ Давлат котиби Колин Пауэллнинг сўзларига қараганда, америкаликларнинг коалицион кучлар бошқарувини ҳозирча ироқликлар қўлига бериш нияти йўқ.

Сурункали ёлғурдан сўнг

Гаити ва Доминикан Республикаларидан олинаётган хабарларга қараганда, бу икки давлат ҳудудида кучли ёлғур ёғиши оқибатида ер кўчиши ва сув тошқинлари юз берган. Табиий офат натижасида 500 нафардан ортиқ одам ҳалок бўлган. Кутқарува ишлари америкалик ва канадалик ҳарбийлар иштирокида амалга оширилмоқда. Синоптиклар икки ҳафтадан буён давом этаётган сурункали ёлғур яқин ўртада тўхтамаслигини билдиришяпти. Келаётган сўнгги маълумотларга қараганда, 13 минг одам бошпанасиз қолган.

Гумондорлар ҳибсада

Япония полицияси мамлакатдаги икки чет эл фуқаросини қўлга олди. Улар «Ал-Қоида» террорчи ташкилотига алоқадорликда гумон қилинмоқда. Қўлга олинганлардан бири француз миллатига мансуб Лионел Дюмон бўлиб, у 2002 йилда Японияга қалбаки паспорт билан кириб келган ва ўтган давр мобайнида «Ал-Қоида» ташкилотидан маблағ олиб турган. Гумондорлардан яна бири Бангладеш фуқаросидир.

Москвада яна портлаш


Москва марказидаги катта кўчаларнинг бирида сешанба куни эрталаб, маҳаллий вақт билан соат 10 лар атрофида кучли портлаш содир бўлди. Оқибатда етти киши турли даражада тан жароҳати олди. Шаҳар милицияси вакилининг маълум қилишича, бомба йўл четигаги симёчқоллардан бирига ўрнатиб кетилган экан.

Қўшинлар кўпаяди

Грузия президенти Михаил Саакашвили мамлакат кучларини ақин икки йил давомида икки баробаргача кўпайтириш режаси борлигини маълум қилди. Унинг сўзларига қараганда, Грузия ҳукумати эндиликда мамлакат муҳофа қудратини юксалтиришга катта эътибор қаратади.

Жангарилар ўйқ қилинди

Афғонистон армиясига қўмондонлик қилаётган Хон Муҳаммадининг хабар беришича, мамлакатнинг Покистон билан чегарадош қисмида Америка ҳарбий самолётлари ёрдамида ўтказилган амалиётлар натижасида 20 дан ортиқ толибон жангарилари йўқ қилинган. Ҳозирча АҚШ ҳарбийлари бу маълумотга ўз муносабатини билдирганича йўқ.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

Сайёҳлар кўпаймоқда

Жорий йилда 20 миллион хорижлик сайёҳлар Туркияга ташриф буюрган. Бу мамлакат тарихидаги рекорд кўрсаткичдир. «Аксам» газетаси берган маълумотга кўра, 2004 йилнинг тўрт ойида ўтган йилги шу даврга нисбатан сайёҳлар сони 50 фоизга ошган.

Германиядан кейин россиялик фуқароларнинг кўпчилиги бугун Туркиядаги сийхатгоҳларда дам олишни хоҳламоқда. Денгиз бўйидаги муҳташам меҳмонхоналар, қўшши оби ҳаво ва нархларнинг арзонлиги хорижликларни кўпроқ ўзига жалб қилмоқда.

«Қора бозор» оқибатлари

Брюсселда бўлиб ўтган халқаро конференцияда машҳур компаниялар белгисидан фойдалана бошлаганидан сўнг, сифатсиз маҳсулотлар савдосига қарши курашиш масаласи муҳокама қилинмоқда.

Кейинги йилларда қалбаки, сифатсиз маҳсулотлар савдоси оммавий тус олиб бормоқда. Ҳисобкитобларга қараганда, айни кунда бундай турдаги маҳсулотлар бозори дунё миқёсидаги савдонинг 9 фоизини ёки 600 миллиард АҚШ долларини ташкил этади.

Интерпол мутахассисларининг ҳисобларига қараганда, қалбаки, сифатсиз маҳсулотлар савдосидан келаётган фойда фақат ушган жиноятчиликни эмас, балки терроризмни ҳам молиявий жиҳатдан қўллаб-қувват-

лашга сарфланмоқда. Мазкур маззуда биринчи бор ўтказилган конференцияда иштирок этаётган Жаҳон савдо ташкилоти ва Интерпол бутун дунё мамлакатларини бундай ноқонуний савдога қарши жиддий курашишга чақирди. Интерполнинг жиноятларга қарши курашиш бўлими раҳбари Рональд Нобль «қора бозор»га сезиларли таъсир кўрсатишда ҳар доим ҳам мамлакатлар ҳукуматлари самарали фаолият олиб бормаётганини танқид қилиб ўтди. Ҳукуматлар вакилларининг фикрича, бу бозорда компанияларнинг ўзлари кураша олади. Аммо халқаро ҳамкорлик ва баҳамжihat ҳаракат қўзланган маррага тезроқ олиб боради.

Ю. БУРОНОВ.

Европа Иттифоқининг кенгайиши китъадаги давлатлар муносабатларига ижобий таъсир кўрсатапти. Шу ўринда ҳали ЕИГА аъзо бўлмаган, ҳатто бундан бирмунча илгари бирига душман давлатлар алоқаларининг ҳам илқлашяётгани, алоҳида эътиборга сазовор. Буни Сербия ва Хорватия давлатларининг бир-бирига яқинлашиши мисолида кўриш мумкин.

Маълумки, ўтган аср 90-йилларининг бошида икки республика ўртасида этник мождарлар содир бўлди. Шу туфайли мазкур давлатларнинг ўзаро алоқалари бузилган эди. 2000 йилнинг бошида Хорватияда ўтказилган президент ва парламент сайловларида ҳукумат тепасига мамлакатни тараққиётга бошловчи етакчиларнинг келиши республикадаги вазиятни тубдан ўзгартирди. Мамлакат Конституциясига ўзгартиришлар киритилди.

Шу билан бирга, Хорватия Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлди. Расмий Загреб 2003 йилнинг бошида собиқ Югославия таркибига кирган республикалар ичидан иккинчи бўлиб Европа Иттифоқига аъзо бўлиш ниятини билдирди.

Бундан ташқари, мамлакат ҳукумати кўшни давлатлар, хусусан, Сербия билан алоқаларни тиклашга катта эътибор қаратди. Ўтган йили Хорватия президенти Степан Месич Белградга ташриф буюрди. Ташриф давомида етакчилар ўз мамлакатлари батларининг янада илқлашишига замин яратди. Ташриф давомида икки кўшни давлат ўртасида ҳамкорлик тўғрисида шартнома ҳам имзоланди. Хорватия 2007 йилгача ЕИГА аъзо бўлиши режалаштирган. Шу муносабат билан Сербия ва Черногория президенти Марович кўшни давлат ҳукуматидаги борадаги сай-ҳаракатларига муваффақият тилади. Хорватиянинг иттифоқ таркибига кириши бутун минтақа ютуғи бўлади, деди у.

Лекин Болқондаги бу республикалар ўртасида ҳали ечилмаган муаммолар ҳам анчагина. Дунай дарёси бўйлаб чегара чизигининг ноаниқлиги, уруш пайтида Хорватияни тарқ этишга мажбур бўлган қочқинларнинг уйларида қайтиши (ҳозирча 280 мингдан фақат 100 мингга яқин серб мамлакатга қайтган), ўша пайтда бедарак йўқолганларни қидириш масалалари шулар сирасига кирди.

Шундай бўлса-да, бир пайтлар бирига душманлик кўзи билан қараган икки мамлакат эндиликда ўзаро зиддиятларни унутиб, дўстлик ва ҳамкорлик йўлини танладилар. Бу эса қачонлардир дунёнинг оловли нуктаси бўлган ҳудудда оқсоқиллик ҳукм суриши ва тараққиёт ўчоғига айланишига катта умид уйғотди.

Салим ДОНИЁРОВ.

Адоватдан аҳилликка



халқидан Хорватияда 1991-95 йилларда содир бўлган қонли мождарлар учун ўз сўрадилар. Бундан бир неча кун илгари Сербия ва Черногория президенти Светозар Маровичнинг Хорватия Мустақил бўлганидан сўнг илк бор Загребга ташриф буюрди. Бу сафар муноса-

Лиссабон чемпионатга тайёр

Интерспорт

Европа 2004

Португалияда футбол бўйича навбатдаги Европа чемпионати бошланишига

саноқли кунлар қолди. Айни пайтда мусобақа ташкилотчилари чемпионат осовийта ўтиши учун зарур чораларни кўришмоқда. Улар ўйинлар фақат 90 дақиқа билан тугамаслигини, яъни футбол ишқибозлари ўртасида турли хил тартибсизликлар вужудга келишини

яъни тушуниб етаетганини таъкидлашмоқда. Мамлакат полицияси ҳам халдан ташқари «фаол» ишқибозларга муносив жавоб қайтаришга тайёрлигини маълум қилди. Улар журналистларга тартиббузар фанатларни «тинчлантириш» учун керакли техника ва

Бирлашган ўзар

Музыка ва овоз ёзиш бўйича дунёда етакчилик қилаётган Sony ва BMG компаниялари бирлашиши ҳақида маълум қилди. Бироқ бу маълумотлар тарқалиб улгурмай Европа Иттифоқи бу ҳаракатга ўз норозилигини билдирди. Sony ва Bertelsmann компанияси бу иш юзасидан судга муножаат қилишга тайёр турибди.

ЕИ комиссияси айнан қандай эътироз билдирганлиги ҳозирча номаълум. Кузатувчиларнинг фикрига қараганда, гап бирлашган компания жаҳон бозорининг неча фоизини эгаллаши ҳақида кетмоқда.

Бундан 4 йил олдин бозордаги фоиз масаласи ЕМН ва Time Warner компаниялари бирлашишига имконият бермаган эди.

Бирлашув оқибатида вужудга келиши кутилаётган ташкилот энг катта компаниялардан бўлиши Universal билан рақобатга киришини мумкин. Бугунга келиб Universalнинг умумий даромади 30 миллиард долларни ташкил этмоқда.

Кузатувчилар Sony ва BMGнинг бирлашиши жаҳон бозориди рақобатбардошликка путур етказишидан чўчи-моқдалар. Чунки бирлашган бу икки компания ҳатто Интернет орқали мусика етказиб беришни ўз назоратига олиши мумкин.

Компаниялар бирлашиши тарафдорлари бу жараён интеллектуал қарқчиликнинг, Интернет тармоғи орқали кўплаб мусикалар тарқалиб кетишининг олдини олади деб ҳисоблашмоқда. Sony ва BMG компаниялари бирлашсалар, улар йилига 300 миллион долларни иқтисод қилиб қолади.

Бирлашишга қарши бўлганлар эса дунё мусика бозорининг 80 фоизи тўрттагина компания қўлида бўлиб қолишидан норози бўлмоқдалар.

Хуршид РАУПОВ

«КОДИРХУЖА УЎЙЛАРИ» МТЖ

мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртлири учун мебелларни арзон нархларда тақлиф этади.

50 800 сўм

59 000 сўм

45 000 сўм

56 000 сўм

Улгуржи харидорларга чегирмалар берилади.

Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-21-82.

TRAST LA MINOT

ФОСФОХИМ

реализует со склада в Ташкенте

СМАЗКИ ТОВАР СЕРТИФИЦИРОВАН (пр-ва России, Украины)

Смазка 1-13	Литол-24	Фиол-1
Графит. жир.	ШРУС-4	Фиол-2
Технологич.СВ-1	ЖРО	ИП-1 л/з
Прессолидол Ж	ЛЗ-ЦНИИ	Солидол Ж
Графит. Термост. «ГТШ»		Смазка 158
Графит. электропров. ж.д. «КЖ»		
Графит. для горяч. пресс. «ТСГ-7»		Упаковка: 1л.: 25 л.: 200л.
Циатим-201, 202, 203, 205, 208, 221.		

АВТОШИНЫ (пр-ва «Нижнекамскшина»)

7,5 X 20 (шт.) с/х шины

АККУМУЛЯТОРЫ (пр-ва СП «Осиё-Батарея»)

12V (36, 60, 72, 90, 105, 132, 150, 190, 200) по цене завода изготовителя.

Т.: 133-56-11, 133-55-61. Ф.: 133-89-09, 133-89-15.

ESENYA СУРИЛШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

БОЛАЛАРГА МЕХР БИЛАН

ESENYA Base and Investment GmbH

700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, А.Кажор кўчаси, 49-уй. Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

«Қани, айтинглр, олинган тушум кассага эмас, кассага кетаверса, банкка пул тушмаса, биз фуқароларимиз олдидаги ижтимоий мажбуриятларимизни қандай бажарамиз?»

(Президент Ислам Каримовнинг Халқ депутатлари Андижон вилояти кенгашининг 2004 йил 25 майда бўлиб ўтган навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан).

Шу кунларда Ўзбекистон телевидениеси орқали ибратли бир маърифий реклама ролити намойиш этилмоқда: харидор қиз дўкандан маҳсулот харид қилади, сотувчи пулни олиб, кўзини лўқ қилиб, миннатдор илжайиб тураверади. «Чек бермайсизми?» дея сўрайди харидор, сотувчи кайфияти бузилиб зарда билан чек уриб узатади. Харидор дейди: «Сиз чек бермасангиз, савдо пулини банкка топширмайсиз, банкда пул бўлмаса эртага мен маошимни ўз вақтида ололмайман!» Бу рекламанинг маърифийлиги шундаки, ихчамгина лавҳада бугунги долзарб масала бўлиши пул сибсатининг маъзи лўнда қилиб томошабинга — халққа етказиб берилмоқда. Холбуки, нақд пул айланмасини мўтадиллаштириш билан боғлиқ бу масаланинг ортда жуда катта савб-харакатлар, тадбирлар ётибди. Хусусан, ҳар бир муқим савдо нуқтасига назорат касса аппаратлари ўрнатиш, шу мақсадда бозорларни қайта қуриб чиқиш каби кенг қўламли мураккаб ишлар ҳам банкларга нақд пул тушуimini таъминлаш мақсадида қаратилган ҳаммаизмига аён. Бироқ, афсуски, ҳуқуқматимиз томонидан мазкур масала бўйича шундай жонқурликлар амалга оширилмаётган айна бир пайтда айрим нопоқ шахслар кассадаги пулни ботмонлаб кассага уриш наيرانини ҳам ўйлаб топишибди. Уларнинг бу наيرانги кейинги бир-икки йил мобайнида гуллаб-яшнаган бўлса, жудаям узоққа бормай барҳам топди. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ходимлари яқинда бу муттаҳамликнинг илдишларини очиб ташлашди.

Бу муттаҳамлик нимадан иборат эди? Бир сўз билан айтганда, Асакада ишлаб чиқарилаётган энгил автомобилларни сотиб олиш учун фуқаролар тўлай-

Диёнатга хиёнат қилманг

салом. Тахминан ўн миллион сўм автомобил хариди учун ўтказилса, хариддордан олинган тўққиз миллион сўм нақд бўлиб чўнтакда турибди... Ана энди, бу кашфиётнинг муаллиф-иштирокчилари-ю, унинг атрофидаги юз миллионга миллион сўмлаб рақамлар билан танишинг. «ЎзДЭУ-Авто» қўшма корхонаси ҳузурида 2004 йил 1 январь ҳолатига кўра республика бўйи-

автомобилларни дилерлардан пул кўчириш йўли билан сотиб олиб, кейин уни қайта сотиш билан шуғулланишган ва қайта сотишдан тушган нақд пулни инкассация қилмасдан, нақдлаштириб келинган: Бундан ташқари, автомобилларни жисмоний шахсларнинг юқорида айтилган усул билан олинган омонат дафтаридаги ва пластик картотечкаларидagi маблағлар ҳисобига сотилиши, яъни сирли омонат-

пуллар ва паспортларини олиб, уларнинг номига банкларда қалбаки ҳужжатларни расмийлаштириш орқали омонат ҳисоб рақамларини очиб, ушбу ҳисоб рақамларига аслида сотилмаган товарлар учун пул кўчириб, сўнг бу маблағларни «Интермилениум» МЧЖга автомобиль сотиб олиш учун ўтказишган. Шу тариқа, мазкур фирма 2003 йил давомида жами 284 та — 2,34 миллиард сўмлик автомобиллар-

сўм нақд пулни Департаментнинг депозит ҳисоб рақамига топширибди. Пулни нақдлаштириш касалини «вируси» Фарғона водийсини ҳам забт этибди. Жумладан, «ЎзДЭУ-Фарғона» МЧЖ масъул шахслари вилоят ҳудудидаги турли банклар ва турли ҳўжалик субъектларининг мутасаддилари билан ҳамкорликда 2002-2003 йиллар давомида 29 нафар фуқаро томонидан автомобиллар учун туланган 245,1 миллион сўм пулни банк газна-сига топширмасдан, харидорга пулни банк орқали олинганлигини тасдиқловчи товар (касса) чекини бермасдан, жами 245,1 миллион сўмлик нақдлаштирилган. Шунингдек, Андижон вилоятидаги «Автотехизмат» ҳиссадорлик жамияти масъул шахслари фуқаролардан олинган 17,5 миллион сўм нақд пулни банкка топширмай, Андижон «Тадбиркорбанк» бўлими, «Савдогарбанк»нинг Наманган вилояти Тўрақўрғон туман бўлими ва Миллий банкнинг Чортоқ туман бўлими ходимлари билан ҳамкорликда пул кўчириш йўли билан ноқонуний автомобиль савдосини амалга оширилган. Худди шундай ҳолатни Самарқанд вилоятидаги расмий дилер «Камол» хусусий фирмаси раҳбарлари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Улар «Халқ банк»нинг Иштихон, Боғишамол туман бўлимлари, «Пахтабанк»нинг Навоий вилоят бўлими мансабдор шахслари билан биргаликда юқоридаги каби нақдлаштириш «операциялари»ни бажариш, жами 93 та машина учун фуқаролардан олинган 746,3 миллион сўмлик банкка топширилган, бошқа субъектлар орқали пул кўчирилган. Шунингдек, ушбу вилоятдаги расмий дилер «БаҳромАвто» хусусий фирмаси раҳбарлари ҳам 106 та автомобил учун олинган 900,5 миллион сўмлик хуфёна машур усул билан пул кўчиришга айлантириб, нақдлаштирилган. Яна, Навоий вилоятидаги расмий дилер «Сардоба-Файз» хусусий фирмаси раҳбари Хуршид Исмоилов, Халқ банкнинг Навоий вилоят Қизилтепа туман бўлими мансабдор шахслари билан ҳам-

корликда 30 та автомашинани учун олинган 239,6 миллион сўм нақд пуллари банкка топширмай пул кўчириш йўлига айлантирилган. Худди шунингдек, Андижон вилоятидаги дилер «Транспорт-Алфа» фирмаси раҳбари Дилшод Султонов «Тадбиркорбанк»нинг Шаҳрихон, Олтинқул ва Куйганёр туманлар бўлимлари, Халқ банкнинг Олтинқул туман бўлими масъул шахслари билан тил бириктириб, 21 та машина учун 145,5 миллион сўмни, шу вилоятдаги расмий дилер «Авто-Мадад» фирмаси раҳбари Ш. Мадазимов «Истикболбанк»нинг Андижон бўлими мансабдор шахслари билан тил бириктириб, фуқаролардан 69 та машина учун олинган 522,7 миллион сўм нақд пулни «пул кўчириш»га айлантирилган.

Энди, муҳтарам газетхон, мақоламизнинг бошланғичидаги оқинг — Вазирлар Маҳкамасининг нақд пул муомаласини мўтадиллаштириш бўйича жон куйдириб, бу борада ҳуқуқ қарорлари чиқарилаётгани, бошқа қанча саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётганини яна бир эслатиш жоизга ўхшайди. Мақсад ягона — Банкларни етарлича нақд пул билан таъминлаш орқали бюджет ташкилотлари ишчи ва хизматчиларига ўз вақтида маош бериш, пенсия ва нафақаларни вақтида тўлаш. Бу мақсад йўлида ҳар бир сўм ўз ичига банкка келиб тушишига ҳаракат қилинаётган айна бир пайтда юқоридаги каби юз миллионлаб, миллиардлаб сўм нақд пуллари «пул кўчириш»га айлантириб, шахсий манфаат қўриш йўлида минг бир наيرانгичи қўлаётган мансабдор шахсларни ким деб аташ мумкин?

Бу саволга ҳар ким ўз билганича баҳо беради. Албатта, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳам қонуний баҳо беради.

Тоҳир ХОЛИҚОВ, Ўзбекистон Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти бўлим бошлиғи.

Ҳабибулла ОЛИМЖОНОВ, «Халқ сўзи»нинг ҳуқуқий масалалар бўйича шарҳловчиси.

Сирли омонат дафтарчалари

орқали учар дилерлар ва нопоқ банк ходимлари бир неча миллиардлаб сўмни нақдлаштирилганлари хусусида

ча турли мулкчилик шаклига эга бўлган 65 та дилерлари мажбурд. Банклардан олинган маълумотларга кўра, 2003 йилда дилерлар орқали жами 117,8 миллиард сўмлик автомобиллар сотилган бўлса-да, банк газна-сига атиги 27,1 миллиард сўм ёки 23 фоиз нақд пул маблағлари келиб тушган. Аниқлаштиришча, 79 та турли тижорат банклари билан 41 та дилерлар ва ўз пул маблағларини нақдлаштиришчи қатор фирма ҳамда хусусий тадбиркорларнинг ўзаро ҳамкорлиги, бошқача айтганда, ҳамтоволлиги натижасида 3800 тадан ортиқ автомашина учун йиғиб олинган 30 миллиард сўмдан ортиқ нақд пул маблағларини банкдан ташқари муомаласига жиноий йўл очиб берилган. Бу ҳуқуқбузарларга нисбатан 2,7 миллиард сўм қўшимча солиқ ва молиявий жаримлар қўлланиб, бюджетга ундирилмоқда. 60 дан ортиқ жиноий гуруҳлар фож этилиб, уларнинг фаолиятига чек қўйилди. Қўзғатилган жиноят ишларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда юридик шахслар, хусусий тадбиркорлар

ларга турли фирмаларнинг ҳисоб рақамларидан кўчирилган маблағлар келиб тушиши ва кейинчалик фуқаролардан олинган нақд пуллар банкка топширилмай нақдлаштирилиши натижасида 15-20 фоиз ноқонуний даромад кассага тушган. Демак, кўчирилган пул билан нақд пул ўртасидаги фарқ шунақа микдорни ташкил этади. Эслатганимиздек, бу «кашфиёт», тўғрироғи касалликнинг юқумли инфекцияси, афсуски, қатор юридик-у жисмоний шахсларни ўз исқанжасига олган. Албатта, бақувват, чиникчан одам унча-мунча касаллик микробларини ўзига йўлатмайди. Кўп юқумли касалликлар заиф организмларни биринчи бўлиб забт этади. Бу воқеада ҳам текинини кўрганда ўзини томдан ташлайдиган иймон ва иждоди заифлар нақдлаштириш хасталиғи билан оғридилар. Жумладан, Бухоро вилоятида фаолият юри-таётган расмий дилер «Интермилениум» масъулияти чекланган жамият(МЧЖ) ходимлари Асака заводида ишлаб чиқарилган автомобилларни харид қилмоқчи бўлган фуқаролардан нақд

ни сотган. Бу «касаллик» негадир Бухоро вилоятидаги расмий дилерлар орасида кўп тарқалган. Хусусан, расмий дилерлар — «Авто-НТДМ» хусусий фирмаси қалбаки омонат жағғармалари орқали 69 та — 592,2 миллион сўмлик, «Уюравто» хусусий фирмаси 82 та — 667,6 миллион сўмлик ва «Авто-арсенал» хусусий фирмаси 84 та — 674,2 миллион сўмлик автомобилларни сотгани аниқланди. Бундан ташқари, Бухоро шаҳридаги «Шафрон УФК» хусусий фирмаси раҳбари Х. Муратов, фуқаро Б. Саидов расмий дилерлар «СергелиАвтотехизмат» ҳиссадорлик жамияти, «Осиётехсервис», «БаҳромАвто» ва «Камол» хусусий фирмалари раҳбарлари иштирокида жами 130 нафар фуқародан йиғиб олинган 2 миллиард 87 миллион сўм нақд пуллар банкка топширилмай, банкда қалбаки омонатлар очиб, пул кўчириш йўли билан бошқа субъектларнинг маблағларидан ноқонуний фойдаланишган. Фирма раҳбари Х. Муратов давлатга етказилган зарарни қисман қоплаш мақсадида 10 миллион

ҳамкорликда пул кўчириш йўли билан ноқонуний автомобиль савдосини амалга оширилган. Худди шундай ҳолатни Самарқанд вилоятидаги расмий дилер «Камол» хусусий фирмаси раҳбарлари фаолиятида ҳам кузатиш мумкин. Улар «Халқ банк»нинг Иштихон, Боғишамол туман бўлимлари, «Пахтабанк»нинг Навоий вилоят бўлими мансабдор шахслари билан биргаликда юқоридаги каби нақдлаштириш «операциялари»ни бажариш, жами 93 та машина учун фуқаролардан олинган 746,3 миллион сўмлик банкка топширилган, бошқа субъектлар орқали пул кўчирилган. Шунингдек, ушбу вилоятдаги расмий дилер «БаҳромАвто» хусусий фирмаси раҳбарлари ҳам 106 та автомашина учун олинган 900,5 миллион сўмлик хуфёна машур усул билан пул кўчиришга айлантириб, нақдлаштирилган. Яна, Навоий вилоятидаги расмий дилер «Сардоба-Файз» хусусий фирмаси раҳбари Хуршид Исмоилов, Халқ банкнинг Навоий вилоят Қизилтепа туман бўлими мансабдор шахслари билан ҳам-

Корхонанинг «Паҳлавон» и
Попдаги 1600 киши меҳнат қилаётган «Ўзбекистон ўрамли том ёпиш ашёлари» ҳиссадорлик жамияти ишчи-хизматчилари энди бўш вақтларини корхона спорт-истроҳат мажмуасида ўтказадиган бўдилар. Бу ердаги минн футбол, волейбол майдонлари, теннис корти ва югуриш йўлаклари спорт ихлосмандларини ўз бағрига олди. Ишчилар янги мажмуага «Паҳлавон» деб ном бердилар.
Қ. НАЖМИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Тайёрлов бўлимлари
Андижон вилояти киргиз маданий маркази фаоллари ташаббуси билан Ҳўжаобод, Кўрғонтепа, Марҳамат ва Бўз туманларида Ҳўжаобод давлат ўзбек-киргиз университетининг тайёрлов курслари очилди.
Энди Қирғизистон олий ўқув юртига кирмоқчи бўлган ёшлар мазкур тайёрлов курсларида таълим олишади.
Ўқув машғулотларини маҳаллий лицей ва мактаблар ўқитувчилари билан бирга Андижон ва Ҳўжаобод олий ўқув юртига ўқитувчилари олиб боришади.
К. НИЗОМОВ, «Туркистон-пресс»

Тошкент архитектура қурилиш институти қошида
ҚУРИЛИШ СОҲИСИДА МЕНЕЖЕРЛАР МАЛАКАЛАРИНИ ОШИРИШ ВА ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ МАРКАЗИ
ФАОЛИЯТ ЮРИТМОҚДА
Ўқув шакли — иш вақтидан ажралган ҳолда.
Ўқув муддатлари — бир ойлик ва олти ойлик курслар.
Ўқув жараёнида илгор компьютер тизимлари ва замонавий таълим технологиялари қўлланилади ва қурилиш соҳасидаги юқори малакали педагог-олимлар ва ходимлар жалб этилади.
Марказга олий маълумотлилар ёки бакалавр даражасидаги шахслар қабул қилинади.
Марказ тингловчилари учун ўтиладиган дарслар рўйхати
1. Бошқаруving назарий асослари.
2. Солиқлар ва солиқларнинг корхонада режалаштирилиши.
3. Менежмент ва бизнес-режалаштириш.
4. Қурилишда маркетинг ва логистика.
5. Тендер савдоларини ташкил этишнинг асослари ва нарх шаклланиши.
6. Сугурта иши.
7. Кадастр, кўчмас мулк (бино, иншоот ва конструкциялар)ни тадқиқ этиш ва техник ҳолатини баҳолаш.
8. Ресурсларни муҳофаза қилиш ва қурилишда чинқиндисиз технологиялар.
9. Қурилиш корхоналарининг ҳўжалик фаолиятини таҳлил қилишнинг асослари.
10. Қурилишда бозор ўзгаришлари асослари.
11. Корпоратив бошқарув, биржа ва фонд бозорлари.
12. Сифат бошқарув.
13. Қурилишда мевърий таъминот.
Ўқув жараёни тугаши билан тингловчиларга белгиланган намунадати сертификат тақдим этилади. Бошқа вилоят ва шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланади.
Марказ манзили: 700011, Тошкент ш., Навоий к., 13-ўй, ТАКИ. Телефон: 41-14-84, факс: 41-80-00.

«ВОЛГА» автомобиллари
«ГАЗЕЛЬ» сотилади
«ГАЗ» ОАЖнинг расмий дилери Тошкент шаҳридаги омондордан
ГАЗ-31105, ГАЗ-3102 автомобиллари ва «Газель» русумидаги юк машинасини тақдиф этади.
Автомашиналар темир йўл орқали вагонларда келтирилган.
Телефонлар: 169-47-62, 169-59-30

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!
Ўзбекистон Республикаси Давлат Банки

UzbekLeasing
РЕСПУБЛИКА ИШБИЛАРМОНЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!
«Ўзбек Лизинг Интернейшнл А.О.»
халқаро лизинг компанияси
«Эскимо» (Италия) туридаги музқаймоқ тайёрлайдиган, унумдорлиги соатига 500 дона, 2002 йилда ишлаб чиқарилган куйидагилардан иборат
ТАНЛОВ АСОСИДА
СОТИШНИНГ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:
MODELO 125 электр пастеризатори/эмульсификатори;
маҳсулотни етиштирадиган MODELO 125 электр камераси;
MANTEMATISKEK дозаларга бўлувчи горизонтал фрейзер;
совутадиган, музлатадиган ва шакллантирадиган MODEL 125 машинаси;
VASCA COVER шоколадли қиём сифими;
Кўшимча маълумотларни куйидаги телефонлар орқали: (8 371) 132-62-94, 132-61-73, 139-16-54, факс: (8 371) 120-67-29
ёки куйидаги манзилда олишингиз мумкин: 700003, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Туроб Тўла к., 1-ўй, Халқаро банк ва молия маркази, 4-қават.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» ОАЖ
акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши 2004 йил 21 июнь кунини соат 10.00 да Тошкент шаҳри, Чилонзор кўчаси, 1-ўйда жойлашган «Ўзбекфильм» ОАЖ катта залида бўлишини маълум қилади.
Кун тартиби:
1. «Ўзбекфильм» ОАЖ уставига ўзгартаришлар киритиш.
2. «Ўзбекфильм» ОАЖ директорини сайлаш.
«Ўзбекфильм» ОАЖ акциядорлари ва улар номидан сайланган вакиллар 2004 йил 21 июнь соат 9.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда рўйхатга олинадилар.
Йиғилишни тайёрлаш бўйича ахборот ва унда қўриладиган ҳужжатлар билан «Ўзбекфильм» ОАЖ да танишиш мумкин.

Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги жамоаси Тошкент шаҳар стандартлаштириш ва метрология бошқармаси бошлиғи
Ихсон МИРАХИМОВнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқин қариндошларига чуқур таъзия изҳор этади.
«Консаудитинформ» агентлиги жамоаси «Олмалиқ тоғ-металлургия комбинати» иқтисод ишлари бўйича раҳбари Э. Қўлдошевга онаси
Анжид яя ЖўРАБОВЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Тошкент Давлат иқкинчи тиббиёт институти жамоаси одам анатомияси кафедраси доценти Тулган Сағатовга волидаи муҳтарамаси
ШАРИФА аянинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — Уза жамоаси агентлигининг собиқ ишлар бошқармаси бошлиғи
Толёб ИБODOVнинг вафот этганини муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.
Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети Теннис корти администратори Танзила Сулеймановага онаси
Фатима СУЛЕЙМАНОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.
«ОЛМОС» очик акциядорлар жамияти бошқаруви ва кассаба уюшмаси кўмитаси жамият тизимининг Нукус шаҳридаги 73-дўкон мудири Гулнара Ағишевга ўғли
СултонБОЕВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово
МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Аббосхон УСМОҲОВ
Таҳрир хайъати: Э. Болнев (масъул котиб — «Халқ сўзи»), П. Дюгай, Ш. Жабборов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Кучеренко (масъул котиб — «Народное слово»), М. Мираллимов, С. Муҳиддинов, Ш. Ризаев, А. Саидов (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»), М. Сафаров, И. Ўтбосаров, А. Ҳайдаров, Ў. Ҳошимов.
ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхоналар билан алоқа ва миттақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буғурта Г-669, 28754 нуқсадда боғиладан, ҳажми — 2 табоқ. Об'ект узуқда боғиладан.
Котож бичими А-2
Газета IBM компьютерда тартидан ва операторлар Жамшед Тоғиев ва Бақдор Файзиев томонидан сифатланади.
Таҳриратда ҳафта 5 доғоздан эида митрақлар қабул қилинади.
П-Тижорат материал

● МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-ўй.
Навбатчи котиб — А. Орпнов.
Навбатчи муҳаррир — Б. Эгамқулов.
Навбатчи — С. Аппар.
Мусахҳиҳ — М. Екубова.

«Шарк» наشريёт-матбаа акциядорлик компанияси босмақонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Бошқа топшириш вақти — 21.00. Топшириш — 23456